- г) Томонлар вакилларининг исм-шарифлари ва манзилгоҳлари;
- д) илтимос мазмуни ва уни бажариш учун лозим бўлган ахборот.

2. Ҳуқуқий ёрдам ҳақидаги илтимослар ва уларга илова қилинувчи ҳужжатлар имзоланган ва суров кўрувчи муассасанинг муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.

6-модда

1. Ҳуқуқий ёрдам ҳақидаги илтимосни бажаришда суров олувчи муассаса уш давлатининг қонунларини ишлатади. Бироқ суров кўрувчи Томоннинг илтимосига кура у бошқа Аҳдлашувчи Томон-

нинг процессуал қондаларини, агар улар суров олувчи Аҳдлашувчи Томоннинг қонунларига зид келмаса, ишлатиши мумкин.

2. Агар ҳуқуқий ёрдам ҳақидаги илтимосни бажаришга суров олувчи муассасанинг ваколати бўлмаса, у уни суров олувчи Томоннинг ваколатли муассасасига кўради ва суров кўрувчи муассасани бу ҳақда хабардор қилади.

3. Ҳуқуқий ёрдам ҳақидаги илтимос бажарилгандан кейин, суров олувчи муассаса суров кўрувчи муассасага ҳужжатларни қайтариб беради ёки унга илтимосининг бажарилмаганлиги сабаблари ҳақида хабар беради.

#### 7-модда

1. Ҳужжатларни топшириш суров олувчи муассаса томонидан ўз давлати қонунчилиги қондаларига мувофиқ равишда, агар топширилатган ҳужжатлар суров олувчи Томон тилида тузилган ёки шу Томон тилидаги тасдиқланган таржима билан таъминланган бўлса, амалга оширилади. Бошқа ҳолларда суров олувчи муассаса ҳужжатларни адресатга, агар у ўзи рози бўлсагина, топширади.

2. Топшириш ҳақидаги илтимосда қабул қилувчининг аниқ манзилгоҳи ва топшириладиган ҳужжатнинг номи кўрсатилиши керак.

3. Ҳужжатларни топшириш тўғрисидаги илтимосномада кўрсатилган манзилгоҳ бўйича топшириш имкони бўлмаган тақдирда, суров олувчи муассаса қабул қилувчининг аниқ манзилгоҳини топшириш учун тегишли чоралар куради. Агар аниқ манзилгоҳни топшириш мумкин бўлмаса, суров олувчи муассаса бу ҳақда суров кўрувчи муассасани хабардор қилади ва унга топшириш лозим бўлган ҳужжатларни қайтариб беради.

#### 8-модда

Ҳужжатлар топширилганини тасдиқлаш суров олувчи Томон ҳудудида амал қилувчи тартибларга мувофиқ расмийлаштирилади. Топшириш тасдиқномасида топшириш вақти ва жойи кўрсатилади.

#### 9-модда

Суров олувчи Аҳдлашувчи Томон ўз ҳудудида ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни ўз зиммасига олади ва уларни тулашни талаб қилмайди.

#### 10-модда

Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш илтимоси, агар уни бажариш суров олувчи Аҳдлашувчи Томоннинг мустақиллиги, хавфсизлиги ёки

урнатилган тартибларига зарар етказадиган бўлса, рад қилиниши мумкин.

#### 11-модда

1. Ҳуқуққий ёрдам ҳақидаги илтимослар, шунингдек уларга илова қилинган ҳужжатлар, ушбу Шартноманинг 7 моддаси 1 банди ва 13 моддасида кузда тутилган ҳоллардан ташқари, суров олувчи Томон тилига ёхуд, француз ёки инглиз тилига қилинган тасдиқланган таржимаси билан биргаликда қушиб кўрилади.

2. Таржима суров кўрувчи муассаса, расмий таржимон, нотариус ёки Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг дипломатик вакили ёхуд консуллик ходими томонидан тасдиқланади.

3. Ҳуқуққий ёрдам ҳақидаги илтимосларнинг бажарилишида суров олувчи Аҳдлашувчи Томоннинг тили қабул қилинади.

#### 12-модда

1. Бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг адлия муассасасига чақириқ бўйича кунгили равишда келган гувоҳ ёки эксперт, унинг қандай фуқаролигидан қатъий назар, ушбу Аҳдлашувчи Томон ҳудудида унинг суров кўрувчи Аҳдлашувчи Томон чегарасидан утганга қадар қилган бирор жиноий жазога лойиқ иши учун таъқиб қилиниши ёки ҳисса олиниши мумкин эмас, шунингдек у илгари чиқарилган ҳукмга биноан жазога тортилиши мумкин эмас.

Гувоҳ ёки эксперт ушбу дахлсизликдан, агар у суров кўрувчи Аҳдлашувчи Томон ҳудудини узининг иштироки шарт эмаслиги ҳақида хабар олганидан сунг 15 кеча-кундуз ичида тарк этмаса, маҳрум бўлади. Бу муҳлатга гувоҳ ёки экспертнинг суров кўрувчи Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудини узига борлик бўлмаган вазиятларга кура тарк этолмаган вақти кирмайди.

Бу шахслар, уларининг гувоҳлиги ёки эксперт сифатида берган хулосалари туфайли таъқиб қилинишлари ёки ҳисса олинишлари ҳам мумкин эмас.

2. Суров кўрувчи муассаса гувоҳ ёки эксперт сифатида чақирилаётган шахсга унинг йул ва кундалик харажатларининг туланишини, экспертга эса бундай ҳолларда суров кўрувчи Аҳдлашувчи Томон қонуни бўйича лозим бўлган ҳақ ҳам туланишини хабар қилиши керак. Ушбу шахснинг илтимосига кура мазкур муассаса унга йул ва кундалик харажатларни қоплаш учун аванс тулайди.



3-Боб  
Хужжатлар

13-модда

Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг судлари ва бошқа ваколатли муассасалари илтимосига кура бошқа Томон уларга таржимасиз ва бепул фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш китобидан кучирма ва суров кўрувчи Томон фуқароларининг шахсий ҳуқуқ ва манфаатларига таалукли бошқа ҳужжатларни тақдим қилади.

14-модда

1. Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг ҳудудида ваколатли муассасалар томонидан тузилган, берилган ёки тасдиқланган ва расмий муҳр босилган ҳужжатлар, ва шунингдек уларнинг тасдиқланган нусхалари - ёки кучирмаларини бошқа Томон ҳудудида легаллаштиришнинг ҳолати йўқ.

2. Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг ҳудудида берилган расмий ҳужжатлар бошқа Томон ҳудудида расмий ҳужжат сифатида тан олинади.

4-Боб

Гаровдан ва суд ҳаражатларидан озод этиш

15-модда

Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг фуқаролари *judicatum solvi* гаровини фақат уларининг чет эллик булганлари ва ушбу Аҳдлашувчи Томонда турар жой ёки тўхташ жойига эга булмаганлари сабабли тулашлари мажбур эмас.

16-модда

1. Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг фуқаролари бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг судларида суд ва нотариус божлари ва чиқимларидан озод қилинадилар ва бепул юридик ёрдамдан ҳудди ушбу Аҳдлашувчи Томон фуқаролари эга булган шартлар асосида ва ҳажмда фойдаланадилар.

2. Суд божлари ва чиқимларидан озод этиш ва бепул юридик ёрдам курсатиш процессуал ҳаракатларга, шу жумладан ҳукми бажаришга таалуклидир.

3. Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг ҳуқуқий нормаларига мувофиқ судда бирор ишни куриш мобайнида суд божи ва чиқимлардан озод қилинган фуқаролар ушбу режимдан бошқа Томон ҳудудида худди шундай иш бўйича амалга ошириладиган процессуал ҳаракатларга нисбатан ҳам фойдаланадилар.

#### 17-модда

1. 16-моддага биноан имтиёзлар олиш учун лозим бўлган шахсий, оилавий ва мулкӣ аҳвол ҳақидаги ҳужжатлар ҳудудида ариза берувчининг турар жойи ёки қароргоҳи мавжуд бўлган Аҳдлашувчи Томоннинг ваколатли муассасаси томонидан берилади.

2. Агар ариза берувчи Аҳдлашувчи Томонлар ҳудудида турар жойи ёки қароргоҳи бўлмаса, ҳужжат дипломатик ваколатхона ёки консуллик муассасаси томонидан берилиши мумкин.

3. Суд божи ва чиқимларидан озод қилиш ҳақидаги ариза бўйича қарор қабул қилувчи адлия муассасаси ушбу Шартноманинг 2-моддасида кўзда тутилган тартибда ҳужжат берган муассасадан қўшимча маълумотлар талаб қила олади.

#### 18-модда

Агар Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг суди бошқа Томон ҳудудида турар жой ёки қароргоҳга эга бўлган шахснинг маълум бир процессуал ҳаракатни бажариши учун муҳлат тайинласа, бу тайинланган муҳлатнинг кечиши суд қарорининг нусхаси олувчига топширилган санадан бошланади.

#### 5-Боб

Фуқаролик ва савдо ишлари бўйича  
ҳуқуқларнинг тан олиниши ва ижро  
этилиши

#### 19-модда

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ушбу Шартномада кўзда тутилган шартлар асосида бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида чиқарилган куйидаги ҳукми тан олади ва ижро этади:

а) мулкка оид фуқаролик ва савдо ишлари бўйича суд қарори;

б) жиноий ишлар бўйича келтирилган зарарни қоплаш ҳақида суд қарори;

в) фуқаролик ва савдо ишлари бўйича узил-кесил арбитраж қарорлари.

2. Ғуқаролик ва савдо ишлари буйича қарор деганда ушбу Шартноманинг кучга кирганидан сунг чиқарилган қарор тушуннади. Биринчи банднинг а) кичик бандида эслатилган қарорлар ушбу Шартнома кучга кирганидан сунг келиб чиққан ҳуқуқий муносабатлар буйича чиқарилган булса, тан олинади ва ижро этилади.

3. Шахсий статусга тааллуқли қарорлар ушбу Шартнома кучга киргунга қадар чиқарилган тақдирда тан олинади.

#### 20-модда

19-моддада күрсатилган қарорлар бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида, агар улар куйидаги шартларга жавоб берсалар, тан олинади ва ижро этилади:

а) қарор Аҳдлашаётган Томон ҳудудида чиқарилган ва унинг қонунларига мувофиқ қонуний кучга кирган ва ижро этилиши лозим булганда;

б) ҳудудида қарорлар чиқарилган Аҳдлашувчи Томон муассасаси ҳудудида қарорнинг бажарилиши талаб қилинган Аҳдлашувчи Томон қонунларига мувофиқ ушбу масала буйича ваколатли деб ҳисобланганда;

в) ушбу ишбатан қарор чиқарилган Томон ҳудудида қарор чиқарилган Аҳдлашувчи Томон қонунларига мувофиқ судга уш вақтида ва тегишли равишда қақирилган булса;

г) Томонлар ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланиши қақирик асосида суд муҳокамасига иштирок этиш ва суд кенгашларида, агар уларда иштирок этиш имкони булмаса, вакиллик имкониятидан маҳрум этилмаган булганларида;

д) худди уша Томонлар уртасидаги тортушув буйича қарорнинг бажарилиши лозим булган Аҳдлашувчи Томон ҳудудида худди уша суд жараёнидан аввал қонуний кучга кирган суд ёки арбитраж қарори чиқарилмаган булса;

е) суров олувчи Аҳдлашувчи Томон суди худди уша Томонлар уртасида уша мавзу ва уша асослар буйича илгари кузғатилган ишни олиб бормаганда;

ж) ҳудудида қарорнинг тан олиниши ва бажарилиши лозим булган Аҳдлашувчи Томон қонунларига мувофиқ шу мамлакат қонунларини ишлатиш керак булган ҳолда, қарор 1) бу қонунлар қақикатда қулланилган булса ёки 2) бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг қулланилган қонунлари туб маъноси билан бу қонунлардан фарқ қилмасагина, бажарилади;

в) қарор ҳудудида тан олинishi ва бажарилиши лозим булган Аҳдлашувчи Томон қонунларининг асосий қоидаларига ва урнатилган тартиботларига эид келмайди.

#### 21-модда

Арбитраж қарори 20-моддада кузда тутилган е) банди бундан мустасно) шартлардан ташқари куйидаги шартларга ҳам жавоб берса, бажарилиши лозим булади:

а) қарор ижрo этилиши лозим булган Аҳдлашувчи Томон қонунига кура, бундай иш қарор учун, арбитраж муҳокамаси учун мавзу булса;

б) арбитраж қарори манфаатдор Томонлар уртасидаги арбитраж битийи ёки арбитраж қушимча тушунтиришида кузда тутилган ёки уларга туғри келувчи тортишув буйича чиқарилса;

в) арбитраж органи таркиби Томонлар келишувига ёки манфаатдор томонлар уртасидаги арбитраж қушимча тушунтириши ёки арбитраж булган давлат қонунига мувофиқ келганса;

г) Томонлар тегишли равишда хакамнинг тайинлангани ёки арбитраж муҳокамаси ҳақида хабардор булишса;

д) арбитраж қарори у чиқарилган давлатда узил-кесил ҳисобланса.

#### 22-модда

1. Қарорни тан олишга ва бажариншга рухсат бериш ҳақидаги илтимос ушбу Шартноманинг 2-моддасига мувофиқ ҳудудида қарор бажарилиши лозим булган Аҳдлашувчи Давлатнинг ваколатли адлия муассасасига берилади.

2. Илтимосга куйидагилар илова қилинган булиши керак:

а) қарорнинг нотариал ёки тегишли равишда тасдиқланган нусхаси, шунингдек қарор қонуний кучга киргани ва бажарилиши лозимлигини тасдиқловчи, агар бу қарорнинг узидан келиб чиқмаса, маълумотнома;

б) узига нисбатан қарор чиқарилган Томоннинг уз вақтида ва тегишли равишда судга қақирилгани ва судда сузлаш имкони булмаган тақдирда, унга тегишли равишда вакил юбориш мумкин булганини тасдиқловчи маълумотнома;

в) а) ва б) кичик бандларида эслатилган ҳужжатларнинг ҳудудида қарорнинг бажарилиши лозим булган Аҳдлашувчи Томон тилига ёхуд француз ёки инглиз тилида тасдиқланган таржимаси.

3. Агар бажариншга рухсат бериш ҳақидаги илтимос арбитраж қарорига асосланган булса унга 2-банднинг в) кичик бандига

мувофиқ арбитраж битими ёки арбитраж қушимча тушунтиришнинг тасдиқланган таржимаси илова қилинган бўлиши керак.

#### 23-модда

1. Қарор бажарилишига ва бошқа Аҳдлашувчи Томонда чиқарилган қарор узининг бажарилишига рухсат бериш расмий маросимига nisбатан ҳудудда қарор бажарилиши керак бўлган Аҳдлашувчи Томон қонунлари ишлатилади.

2. Бу расмий маросимда суд, қарорни туё маъноси билан қайта куриб утирмасдан, ушбу Шартномада кузда тугилган барча шартларнинг мавжудлигини текшириш билан кифояланиб қолади.

#### 24-модда

Ушбу Шартноманинг қарорларнинг бажарилишига таалуқли моддалари қарорни бажариш натижасида олинган пул суммаларини утказиш ва ашёларни олиб чиқиб кетиш ҳақида Аҳдлашувчи Томонлар қонунларининг қондаларига даҳлдор эмас.

### III Қисм

#### 6- боб

Жиноий ишлар буйича узаро  
ҳуқуқий ёрдам курсатиш

#### 25-модда

1. Аҳдлашувчи Томонлар жиноий ишлар буйича узаро ҳуқуқий ёрдам курсатиш мажбуриятини оладилар.

2. Жиноий ишлар буйича узаро ҳуқуқий ёрдам курсатиш процессуал ҳаракатларни бажаришни, жумладан, ҳужжатларни кбориш, тинтув, ашёвий далилларни мусодара қилиш ва бериш, экспертиза, айбланувчи ва гувоҳларни суроқ қилиш, экспертларни тинглаш, шунингдек жойда куздан кечиришни уз ичига олади.

#### 26-модда

1. Жиноий ишлар буйича ҳуқуқий ёрдам туғрисидаги илтимосда куйидагилар курсатилади:

а) суров кборувчи ва суров олувчи муассасанинг номи;

б) ишнинг мазмуни;

в) айбланувчилар ёки ҳукм этилганларнинг фамилия ва исмлари, уларнинг фуқаролиги ва касблари, имкони борича, айбланувчилар ёки ҳукм этилганларнинг туғилган жойи ва вақти, шунингдек уларнинг ота-оналарининг исмлари;

г) уларнинг вакилларининг фамилиялари, исмлари ва манзил-гоҳлари;

д) илтимоснинг мазмуни, унинг бажарилиши учун зарур бўлган ахборот, жинсий ҳатти-ҳаракатнинг квалификацияси ва тавсифи.

2. Илтимослар ва уларга илова қилинаётган ҳужжатлар имзоланган ва уларни кўрган муассасанинг муҳри босилган бўлиши керак.

#### 27-модда

1. Ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги илтимосни бажараётганда суров олувчи муассаса уз давлатининг қонунчилик нормаларини куллайди. Бироқ суров кўрувчи муассаса илтимосига кура суров олувчи муассаса бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг процессуал нормаларини куллаши мумкин, агар улар суров олувчи Томоннинг қонунчилигига энд келмаса.

2. Агар ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги илтимосни бажариш суров олувчи муассасанинг ваколатига кирмаса, у ушбу илтимосни суров олувчи Томоннинг ваколатли муассасасига кўради ва бу тўғрида суров кўрувчи муассасани хабардор қилади.

3. Суров кўрувчи муассасанинг илтимосига кура суров олувчи муассаса уни ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги илтимосни бажариш вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилади. Суров олувчи муассаса суров кўрувчи муассаса вакилларининг илтимос бажарилишида иштирок этишларига розилик бериши мумкин.

4. Ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги илтимос бажарилганидан сунг суров олувчи муассаса суров кўрувчи муассасага ҳужжатларни қайтариб беради ёки уни бажаришга тўсқинлик қилаётган сабаблар тўғрисида хабардор қилади.

#### 28-модда

1. Судда ёки Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг бошқа муассасасида ишни куриш давомида бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида яшовчи гувоҳ ёки экспертнинг қатнашиши зарур бўлса, ушбу Томоннинг суд ёки бошқа ваколатли муассасаси бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ваколатли муассасасига чақирув топшириш илтимоси билан мурожаат қилиши мумкин.

2. 1-бандда курсатилган ҳолда чақирув келмаганлик учун жарима солиш ёки бошқа мажбурий чораларни қўллаш таҳдидини ушбу ичига олиши мумкин эмас.

3. Йул ва яшаш ҳаражатларини қўллаш, шунингдек гувоҳ ёки экспертларга компенсация тулашни суров юборувчи Томон амалга оширади.

4. Бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ваколатли муассасасига чақирув буйича ушбу ҳоҳишига биноан келган гувоҳ ёки эксперт унинг фуқаролигидан қатъий назар ушбу Томон ҳудудида таъқиб этилиши, ҳибсага олинishi ёки ушбу мамлакат чегарасидан утгунига қадар қилинган қатти-ҳаракатлар учун жазоланиши мумкин эмас. Курсатилган шахслар шунингдек уларнинг гувоҳлик курсатмалари ёки эксперт сифатидаги хулосалари билан боғлиқ ҳолда ҳам, ишни куриш мавзу бўлган жиноий иш билан боғлиқ ҳаракатлар учун ҳам таъқиб этилиши, ҳибсага олинishi ёки жазоланиши мумкин эмас.

5. Гувоҳ ёки эксперт суров юборувчи Томон ҳудудини уни ишни кураётган муассаса унинг иштироки зарур эмаслиги туғрисида хабардор қилган вақтдан бошлаб 15 кунлик муддат утгунига қадар тарк этмаса, 4-бандда кўзда тутилган иммунитетни йўқотади. Гувоҳ ёки эксперт унга боғлиқ бўлмаган вазиятларга кура суров юборувчи Томон ҳудудини тарк эта олмаган вақт бу муддатга киритилмайди.

#### 29-модда

1. Агар топширилаётган ҳужжатлар суров олувчи Томон тилида тузилган бўлса ёки уларнинг ушбу Томон тилига тасдиқланган таржимаси бўлса, ҳужжатларни топшириш суров олувчи муассаса томонидан ушбу масалани унинг давлатида мувофиқлаштирувчи ҳуқуқий қондалар асосида амалга оширилади. Ушбу ҳолларда суров олувчи муассаса ҳужжатларни фақатгина олувчининг раъида билан топширади.

2. Топшириш туғрисидаги илтимосда олувчининг аниқ манъилгоҳи ва топширилаётган ҳужжатнинг номи курсатилиши керак.

3. Агар ҳужжатлар топшириш туғрисидаги илтимосда курсатилган манъилгоҳ буйича топширилиши мумкин бўлмаса, суров олувчи муассаса олувчининг аниқ манъилгоҳини билиш учун зарур чораларни куради. Агар аниқ манъилгоҳни билиш мумкин бўлмаса, суров олувчи муассаса суров юборувчи муассасани бу туғрида

хабардор қилади ва унга топширилиши лозим бўлган ҳужжатларни қайтариб беради.

#### 30-модда

Ҳужжатларни топширишни тасдиқлаш суров олувчи Томон ҳудудида амал қилаётган тартибларга мувофиқ равишда расмийлаштирилади. Топширишнинг тасдиғида топшириш вақти ва жойи курсатилади.

#### 31-модда

28-модда 3-банди қондалари бажарилганида суров олувчи Аҳдлашувчи Томон унинг ҳудудида ҳуқуқий ёрдам курсатиш билан боғлиқ бўлган барча ҳаракатларини уз зиммасига олади, ва уларнинг ўрнини қоплашни талаб қилмайди.

#### 32-модда

1. Ҳуқуқий ёрдам бериш туғрисидаги илтимосга қуйидаги ҳолларда рад жавоби берилиши мумкин:

а) агар суров олувчи Томон илтимосни бажариш унинг мамлакати суверенитети, ҳафсиалиги ёки оммавий тартибига зарар етказиши мумкин деб ҳисобласа;

б) агар илтимос суров олувчи Томоннинг қонунчилиги буйича номақбул бўлса.

2. 1-бандда кузда тutilган ҳолларда ҳуқуқий ёрдам курсатишга рад жавоби бериш асосланган бўлиши керак.

#### 33-модда

1. Ушбу Битимнинг 29-модда 1-банди ва 57-моддасида кузда тutilган ҳоллардан ташқари илтимослар, шунингдек уларга илова қилинган материалларнинг суров олувчи Томоннинг тилига, француз ёки инглиз тилига қилинган тасдиқланган таржимаси булади.

2. Таржима Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг суров кборувчи муассаса, расмий таржимон, нотариус ёки дипломатик вакил ёхуд консулхона ходими томонидан тасдиқланади.

3. Илтимосларни бажаришда суров кборувчи Томоннинг тили ишлатилади.

#### 7-Боб

#### Шахсларни тутиб бериш

#### 34-модда

1. Аҳдлашувчи Томонлар ушбу Шартнома қондаларига мувофиқ бир-бирларига илтимосга кура уларнинг ҳудудларида бўлган



шахсларни жиний жавобгарликка тортиш ёки ҳукми ижро этиш учун ушлаб бериш мажбуриятларини оладилар.

2. Жиний жавобгарликка тортиш учун тутиб бериш иккала Аҳдлашувчи Томон қонунчилигига биноан 12 ойдан кўп муҳлатга овозликдан маҳрум этиш ёки бошқа оғирроқ жаза кўзда тутилган жиноятлар ҳолларида амалга оширилади.

3. Ҳукми ижро этиш учун тутиб бериш фақатгина иккала Аҳдлашувчи Томон қонунчилигига биноан шундай ҳисобланган жиноятлар учун амалга оширилади, ва агар ушбу шахс олти ойдан кўп муҳлатга овозликдан маҳрум этиш ёки бошқа оғирроқ жазага ҳукм этилган бўлса.

4. Агар тутиб бериш тўғрисидаги илтимос ҳар бири иккала Аҳдлашувчи Томон қонунчилигига биноан овозликдан маҳрум этишга олиб келадиган, бироқ улардан баъзилари ушбу модданинг 2-ва 3-бандларида кўзда тутилган шартларга жавоб бермайдиган бир-бирига боғлиқ бўлмаган бир нечта жиноятларга тегишли бўлса, унда суров олувчи Томон бу жиноятлар учун тутиб беришга рози бўлиши мумкин.

#### 35-модда

1. Тутиб бериш куйидаги ҳолларда амалга оширилмайди:

а) агар тутиб бериш тўғрисида кўрилган илтимосда курсатилган шахс суров олувчи Томоннинг фуқароси бўлса;

б) агар тутиб беришга суров олувчи Томоннинг қонунчилиги буйича йўл кўйилмаса ёки белгиланган муддат утиб кетганлиги сабабли ёки бошқа қонуний асосда ҳукм ижро этилиши мумкин бўлмаса;

в) агар тутиб бериш тақиқланган шахсга нисбатан суров олувчи Томон ҳудудида ушундай жиноят учун қонуний кучга кирган ҳукм чиқарилган ёки ишни олиб бориш тўхтатилган бўлса;

г) агар жиноят суров олувчи Томон ҳудудида содир қилинган бўлса.

2. Агар суров олувчи Томон тутиб берилиши керак бўлган шахс унинг фуқароси эканлиги асосида тутиб беришдан воз кечса, унда суров кўрувчи Томон илтимосига кура у жиний таъқиб этишни қўзғатади. Суров кўрувчи Томонга жиноятга тегишли бўлган ҳужжатлар, ахборот ва бошқа материаллар кўрилади. Суров кўрувчи Томон жиний таъқиб этишнинг натижалари тўғрисида хабардор қилади.

#### 36-модда

1. Жиноий жавобгарликка тортиш учун тутиб бериш тўғрисидаги илтимос билан бирга қамоққа олиш тўғрисидаги қарорнинг тасдиқланган нусхаси, жиноий ҳатти-ҳаракат шарт-шароитларнинг тавсифи ва жиноятни квалификацияловчи қонун нормасининг матни бўлиши керак. Агар жиноят натижасида моддий зарар етказилган бўлса, унда, имкони борича, унинг миқдорини курсатиш лозим.

2. Ҳукми ижро этиш учун тутиб бериш тўғрисидаги илтимос билан бирга қонуний кучга кирган ҳукмнинг тасдиқланган нусхаси, шунингдек жиноятни квалификацияловчи қонун нормасининг тудиқ матни бўлиши керак. Агар ҳукм қилинган шахс жазонинг бир қисmini утаган бўлса, у томонидан уталган муддат курсатилади.

3. Тутиб бериш тўғрисидаги илтимос тутиб берилиши суралаётган шахснинг фуқаролиги, ва, имкони борича, ташқи қиёфасининг тавсифи, унинг шахсига тегишли бўлган маълумотлар, яшаш жойи тўғрисидаги ахборотни уз ичига олиши ва шулар билан бирга фотосурат ва бармоқ излари бўлиши керак.

4. Суров кўрувчи Аҳдлашувчи Томон тутиб берилиши суралаётган шахс томонидан содир этилган ҳатти-ҳаракатларга тегишли бўлган далилларни илтимосга илова қилишга мажбур эмас.

#### 37-модда

Агар тутиб бериш тўғрисидаги илтимос барча зарурий ахборотни уз ичига олмаса, суров олувчи Томон қўшимча маълумотларни талаб қилиб олиши мумкин. Бунинг учун у икки ойдан ошмайдиган, бироқ узрли сабаблар бўлганида узайтирилиши мумкин бўлган муддатни белгилаши мумкин.

#### 38-модда

Тутиб бериш тўғрисидаги илтимосни олгач, суров олувчи Томон тутиб берилиши илтимос қилинган шахсни қамоққа олиш учун дарҳол зарур чораларни куради. Бу ушбу Шартнома қоидаларига кура тутиб беришга йул куйилмайдиган ҳолларга тегишли эмас.

#### 39-модда

1. Тутиб берилиши суралаётган шахс, агар суров кўрувчи Томон бу шахсга нисбатан вақтинча қамоққа олиш тўғрисида

қарор, қонуний кучга кирган ҳукм ёки бошқа суд қарори чиқарилганини тасдиқласа, суров юборувчи Томоннинг илтимосномаси буйича тутиб бериш тўғрисидаги илтимоси олингунига қадар вақтинча қамоққа олиниши мумкин. Вақтинча қамоққа олиш тўғрисидаги илтимоснома почта, телеграф орқали ёки илтимоснома мазмунини ёзма равишда етказишнинг ҳар қандай бошқа усули билан етказилиши мумкин.

2. Қолдирилиши мумкин бўлмаган ҳолларда Аҳдлашувчи Томонларнинг ваколатли муассасалари, уларнинг ҳудудида бўлган шахсни, агар бу шахс Аҳдлашувчи Томон ҳудудида тутиб беришни келтириб чиқарадиган жиноятларни содир этганлиги тўғрисидаги маълумотларга эга бўлсалар, вақтинча, истисно тариқасида 1-бандда курсатилган илтимосномасиз қамоққа олишлари мумкин.

3. Бошқа Аҳдлашувчи Томон ушбу модданинг 1- ва 2-бандларига мувофиқ вақтинча қамоққа олиш вақти тўғрисида дарҳол хабардор қилиниши керак.

#### 40-модда

1. Ушбу Шартноманинг 39-моддасига биноан вақтинча қамоққа олинган шахс, агар тутиб бериш тўғрисидаги илтимос ёки қўшимча маълумотлар тўғрисидаги илтимоснома буйича ҳужжатлар уни қамоққа олинганлиги тўғрисида бошқа Томон хабардор қилинган дақиқадан бошлаб 45 кун давомида олинмаган бўлса, озод қилиниши мумкин. Суров юборувчи Томоннинг илтимосига кура бу муддат 15 кунга узайтирилиши мумкин.

2. Агар суров олувчи Аҳдлашувчи Томон суров юборувчи Томоннинг вақтинча қамоққа олинган шахсни бошқа талаб қилиш нияти йўқлиги тўғрисида хабардор қилинган бўлса, у дарҳол уни озод қилади.

#### 41-модда

1. Суров олувчи Томон, тутиб бериш тўғрисидаги илтимос буйича қарор қабул қилгач, уз томонидан, тутиб бериш тўғрисидаги илтимосга асос бўлганлар қаторига кирмайдиган ҳаракатлар учун тегишли шахсга қарши жиноий таъқиб этишни қўзғаш ёки бу шахс унинг ҳудудида жазони уташи учун уни топширишни кечиктириши мумкин.

2. Топширишни кечиктириш урнига суров олувчи Томон суров юборувчи Томонга суралган шахсни вақтинча топшириши мумкин. Вақтинча берилган шахс уни беришга сабаб бўлган процессуал

ҳаракатлар бажарилиши билан дарҳол, вақтинча берилган дақиқадан бошлаб 4 ойдан кечиктирмасдан қайтарилиши керак.

#### 42-модда

Агар бир неча давлат битта шахсни тутиб беришни илтимос қилса, суров олувчи Томон бу илтимосларнинг қайси бири қондирилиши ҳақида қарор қабул қилади.

#### 43-модда

1. Суров олувчи Томоннинг розилигисиз тутиб берилган шахс жиноий тартибда тазъиб қилиниши, тутиб беришгача содир этилган ва тутиб беришга сабаб бўлмаган жиноят учун жаволаниши, тутиб беришгача содир этилган жиноятлар туфайли учинчи давлатга топширилиши мумкин эмас.

2. Розилик қуйидаги ҳолларда талаб этилмайди:

а) агар тутиб берилган шахс у берилган Аҳдлашувчи Томон ҳудудидан процессуал ҳаракатлар тугатилганидан кейин ёки, ҳукм чиқарилган ҳолда, жазони ижро этиш дақиқасидан бошлаб бир ой давомида чиқиб кетмаса. Бу муддатга тутиб берилган шахс унга боғлиқ бўлмаган вазиятларга кура суров кборувчи Томоннинг ҳудудини тарк эта олмаган вақт киритилмайди,

б) агар тутиб берилган шахс суров кборувчи Томоннинг ҳудудини тарк этгач, у ерга уз ҳоҳишига биноан қайтган бўлса.

#### 44-модда

1. Суров олувчи Томон суров кборувчи Томонга тутиб бериш тўғрисидаги уз қарори тўғрисида хабар беради.

2. Тутиб бериш тўғрисидаги илтимосни тулиқ ёки қисман рад этиш ҳолида бундай қарорнинг сабаблари суров кборувчи Томонга маълум қилинади.

3. Тутиб беришга розилик берилган ҳолда суров олувчи Томон суров кборувчи Томонга топшириш хойи ва вақти тўғрисида хабар қилади. Агар тутиб берилиши илтимосига розилик олинган шахсни суров кборувчи Томон белгиланган вақтдан кейин бир ой давомида қабул қилиб олмаса, у озод этилади.

#### 45-модда

Агар тутиб берилган шахс одил судловдан бош тортган ва суров олувчи Томон ҳудудига қайтган бўлса, унда суров кборувчи Томон тутиб бериш тўғрисида янги илтимос кборганида ушбу Шарт-

номанинг 36-моддасида кўрсатилган материалларни топшириш талаб этилмайди.

#### 46-модда

1. Аҳдлашувчи Томонларнинг ҳар бири бошқа Томоннинг илтимосига биноан бу Томонга учинчи давлат Томонидан ушлаб берилган шахсларни уз ҳудудидан олиб утишга рухсат беради. Аҳдлашувчи Томонлар ушбу Шартнома қондаларига биноан тутиб бериш зарур бўлмаган ҳолларда бунга рад жавоби беришлари мумкин.

2. Аҳдлашувчи Томонларнинг ваколатли муассасалари ҳар бир конкрет ҳолда транзитнинг усули, маршрути ва бошқа шартларини келишиб оладилар.

#### 47-модда

Аҳдлашувчи Томонлар тутиб берилган шахсларни жиноий таъқиб этишнинг натижалари туғрисида бир-бирларини узаро хабардор қиладилар. Томонлар шунингдек илтимосга биноан бир-бирларига қонуний кучга кирган ҳукмнинг нусхасини юборадилар.

#### 48-модда

Тутиб бериш ва вақтинча қamoққа олиш расмий маросимига фақатгина суров олувчи Томоннинг қонунчилиги тадбиқ этилади.

#### 49-модда

Тутиб бериш туғрисидаги илтимосни асословчи ҳужжатлар билан бирга суров олувчи Томоннинг тилига, француз ёки инглиз тилига қилинган тасдиқланган таржимаси булиши керак.

#### 8-Бoб

Ҳукм қилинган  
шахсларни топшириш

#### 50-модда

1. Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг қонуний кучга кирган ҳукми асосида бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида овозликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган фуқаролари, икки томоннинг розилиги билан ва ушбу Шартномада кўзда тутилган шартларда улар фуқаролари бўлган Аҳдлашувчи Томонга шу Томон ҳудудида жазони уташ учун топширилади.

2. Маҳкумни жазони уташ учун топшириш суди ҳукм чиқарган Аҳдлашувчи Томоннинг (ҳукм Давлати) илтимосига кўра руй беради, агар бошқа Аҳдлашувчи Томон (ижро Давлати) маҳкумни қабул қилишга рози бўлса.

3. Маҳкум унинг фуқароси булган Аҳдлашувчи Томон, суди ҳукм чиқарган Аҳдлашувчи Томонга маҳкумни топшириш имкони тўғрисидаги масалани куриб чиқиш илтимоси билан муурожаат қилиши мумкин.

#### 51-модда

Маҳкум, шунингдек унинг вакили ёки унинг оила аъзолари Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг ваколатли маёмурларига 50-моддада кузда тутилган қаракатни кузатиш тўғрисидаги илтимос билан муурожаат қилишлари мумкин.

Ҳукм Давлатининг ваколатли муассасалари маҳкумни шундай илтимос билан муурожаат этиш мумкинлиги тўғрисида хабардор қиладилар.

#### 52-модда

Маҳкумни топшириш у ҳукм этилишига сабаб булган жиноят ижро Давлатининг ҳам жиноий қонунчилигига мувофиқ жиноят деб ҳисоблансагина амалга оширилади.

#### 53-модда

1. Маҳкумни ижро Давлатига топшириш фақатгина маҳкумнинг розилиги билан амалга оширилади.

2. Агар маҳкум уа розилигини тегишлича ифодалашга қодир булмаса, бундай розиликни унинг қонуний вакилидан олиш зарур.

#### 54-модда

Ижро Давлати иложи борича қисқа муддатда ҳукм Давлатини маҳкумни топширишга розилиги ёки буни рад этиши тўғрисида хабардор қилади.

#### 55-модда

1. Агар Аҳдлашувчи Томонлар топшириш тўғрисида келишиб олсалар, ижро Давлатининг ваколатли муассасалари қабул қилинган қарорни бажаришга мажбурлар.

2. Агар жазо характери ёки муддатлар ижро Давлатининг қонунчилигига зид келса ёки ушбу давлатнинг қонунчилиги буни талаб этса, ижро Давлатининг ваколатли муассасалари шу хилдаги жиноятлар учун уа қонунчилиги кузда тутган санкцияларга мувофиқ бу жазони ижро этишлари мумкин. Бу жазо, имкони борича, уа

характерига кура ҳукм билан белгиланган жиноятга мос келяши керак. Характерига кура ҳам, муддатлари буйича ҳам жазо ҳукми Давлатида урнатилган санкцияларни кучайтириши мумкин эмас, ва шу хилдаги жиноят учун ижро Давлатининг қонунчилиги кузда тутган максимумдан охиб кетиши мумкин эмас.

3. Ижро Давлатининг ваколатли муассасалари урнатилган фактларга амал қилишга мажбур ва овозликдан маҳрум этишни бошқа хилдаги жазо билан алмаштиришлари мумкин эмас.

#### 56-модда

Ижро Давлати рози булган ҳолда Аҳдлашувчи Томонларнинг ваколатли муассасалари маҳкумни топшириш жойи, вақти ва шартларини энг қисқа муддатларда белгилайдилар. Маҳкумни топшириш ҳукми Давлати ҳудудида содир булади.

#### 57-модда

1. Жазони ижро этиш, жумладан шартли овоз этиш, ижро этиш Давлатининг қонунчилиги билан аниқланади.

2. Амнистия ҳукми Давлатида булганидек, ижро Давлатининг ҳам қонунчилиги буйича амалга оширилади.

3. Авф этиш ижро Давлатининг қонунчилиги буйича амалга оширилади.

4. Фақатгина ҳукми Давлатининг суди ижро Давлатига топширилган маҳкумга нисбатан чиқарилган айблов ҳукмини қайта куриб чиқиш туғрисидаги ҳар қандай илтимосномалар буйича қарорлар қабул қилишга ваколатлидир.

#### 58-модда

1. Аҳдлашувчи Томонлар ҳукмини ижро этишга таъсир қила оладиган барча вазиятлар ва, хусусан, амнистия, авф этиш ва ҳукмини қайта куриб чиқиш туғрисидаги ҳар қандай илтимосномаларни куриб чиқишнинг натижалари туғрисида бир-бирларини хабардор қиладилар.

2. Ижро Давлати ҳукми Давлатини жазони уташ тугаганлиги туғрисида хабардор қилади.

#### 59-модда

Маҳкумни ижро Давлатига топшириш, имкони борича, 46-моддада кузда тутилган шартларга мувофиқ содир этилади.

#### 60-модда

1. Маҳкумни топшириш тўғрисидаги илтимос ёзма равишда тақдим этилади.

2. Илтимосга қуйидагилар илова қилинади:

а) ҳукмнинг, унинг қонуний кучга кирганлигини тасдиқлаш билан, тасдиқланган нусхаси;

б) қонуннинг ишлатилган қондалари матни;

в) маҳкум тўғрисида, унинг фуқаролиги, яшаш жойи ёки одатдаги турар жойи тўғрисида имкони борича аниқ маълумотлар;

г) маҳкумнинг ҳукм Давлатида жазонинг бир қисмини утаганини тасдиқловчи ҳужжатлар;

д) мазмунни маҳкумнинг розилигини аке эттирувчи протокол;

е) илтимосни кўриб чиқиш давомида муҳим бўла оладиган ҳар қандай бошқа ҳужжат.

#### 61-модда

Агар ижро Давлати унга тақдим этилган маълумот ва материалларни етарли эмас деб ҳисобласа, у зарур бўлган қўшимча маълумотларни талаб қилиши ва уларни тақдим этиш муддатларини белгилashi мумкин. Бу муддатлар асосланган илтимосга кура узайтирилиши мумкин. Қўшимча ахборот бўлмаганда ижро Давлати унинг ихтиёрига тақдим этилган маълумотлар ва материаллар асосида қарор қабул қилади.

#### 62-модда

Топшириш тўғрисидаги илтимослар, шунингдек уларга илова қилинган материаллар уларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлашни талаб этмайди ва улар билан бирга ижро Давлатининг тилига, француз ёки инглиз тилига қилинган таржималари булади.

#### 63-модда

Маҳкумни топшириш билан боғлиқ бўлган харажатларни, фақатгина ҳукм Давлати ҳудудида келган харажатлардан ташқари, ижро Давлати уэ зиммасига олади.

#### 9-Боб

#### Жиноий ҳуқуқ соҳасидаги бошқа қондалар

#### 64-модда

Аҳдлашувчи Томонлар уэ қонунчилигига мувофиқ ва бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг илтимосига биноан бошқа Томон ҳудудида



жиноят қилган уз фуқароларини жавобгарликка тортиш мажбурияти-  
ни оладилар.

#### 65-модда

1. 64-моддада кузда тугилган жиний таъқиб этишни кузратиш мақсадида Аҳдлашувчи Томонлар бир-бирларига куйидаги маълумотларни уз ичига олган ёзма илтимосларни йуллайдилар:

- а) суров кборувчи муассасанинг номи;
- б) илтимосда курсатилган жиноят, шу жумладан уни содир этиш вақти ва жойи, туғрисидаги маълумотлар;
- в) гумон қилинувчи, унинг фуқаролиги, ва, имкони борича, унинг яшаш жойи ёки булиш жойи туғрисидаги маълумотлар.

2. Илтимосга куйидагилар илова қилинади:

- а) дастлабки тергов материаллари ёки уларнинг суров олувчи Томон тилидаги тасдиқланган нусхалари;
- б) ҳужжатлар ва жиний процесда ашёвий далиллар булиб хизмат қила оладиган ҳар қандай бошқа ашёлар; бунда ушбу Шартноманинг 67-моддасининг қондалари қулланилади;
- в) жиноят содир этилган жойда амал қилувчи қонунчиликка биноан содир этилган ҳатти-ҳаракатга нисбатан қулланиладиган жиний қонун қондалари матни;

г) зарур булганда ва имкони булганда - гумон қилинувчининг фотосурати ва бармоқ излари.

3. Илтимос олган Аҳдлашувчи Томон, бошқа Томонни куриб чиқишининг натижалари туғрисида хабардор қилади ва унга қонуний кучга кирган ҳукмининг нусхасини беради.

#### 66-модда

1. Агар бошқа Томон ҳудудида қамоқда булган шахсларни гувоҳлар сифатида тинглаш зарурати куага келса, суров олувчи Томон бу шахсларни суров кборувчи Томон ҳудудига уларни қамоқда ушлаб туриш ва уларнинг курсатмалари тинглаб булиниши билан имкони борича қисқа муддатларда қайтариб бериш шарти билан йуллашга розилик бериши мумкин.

2. Агар учинчи давлат ҳудудида қамоқда булган шахсларни гувоҳлар сифатида тинглаш зарурати куага келса, Аҳдлашувчи Томонлар бу шахсларни уз ҳудудларидан трансит билан олиб утишга рухсат берадилар.

3. Ушбу модданинг 1- ва 2- бандларида кузда тutilган ҳолларга, имкони борича, ушбу Шартнома 28-моддасининг қоидалари қулланилади.

#### 67-модда

1. Жиноят билан борлиқ булган ашёлар, шунингдек жиний процесда ашёвий далил бўлиб хизмат қила оладиган барча бошқа ашёлар суров кборувчи Томонга ушбу шахсни унинг улими натижасида ёки бошқа сабабларга кура тутиб бериш мумкин булмаган ҳолда ҳам берилади.

2. Суров олувчи Томон ушбу ашёларни беришни, агар, унинг фикрича, улар бошқа жиний иш бўйича иш олиб бориш учун зарур булса, вақтинча қолдириши мумкин.

3. Учинчи шахсларнинг берилаётган ашёларга ҳуқуқлари кучда қолади. Жиний иш бўйича иш олиб бориш тугатилгандан кейин ушбу ашёлар уларни манфаатдор шахсларга топшириш мақсадида уларни тақдим этган Томонга кайтариб берилади.

#### 68-модда

Ашёларни бериш ва топшириш билан борлиқ булган харажатларни, фақатгина суров олувчи Томон ҳудудида изага келган харажатлардан ташқари, суров кборувчи Томон уа зиммасига олади.

#### 69-модда

1. Аҳдлашувчи Томонлар бир йилда камида бир марта бошқа Томон фуқароларига нисбатан чиқарилган қонун кучига кирган айблов ҳуқуқлари туғрисида бир-бирларига ахборот берадилар.

2. Аҳдлашувчи Томонлар бир-бирларига илтимосга кура суров олувчи Томон ҳудудида ҳуқм этилган ва суров кборувчи Томон ҳудудида жиний жавобгарлиққа тортилаётган шахсларнинг судланганликлари туғрисидаги маълумотларни тақдим этадилар.

3. 1- ва 2-бандларда кузда тutilган ҳолларда Аҳдлашувчи Томонлар бир-бирларига, имкони борича, ҳуқм этилган шахсларнинг бармоқ изларини берадилар.

70-модда

Ушбу бўлим қондалари Шартнома кучга киргунга қадар содир бўлган фактларга тегишли бўлган илтимосларга ҳам тадбиқ этилади.

IY-Қисм

10-боб

Яқунловчи қондалар

71-модда

1. Ушбу Шартнома ратификация қилинади ва ратификация ёрлиқлари билан алампилгандан сунг 30 кун утиши билан кучга киради.

2. Ушбу Шартнома ноаниқ муддатга тузилади. Ҳар бир Ахдлашувчи Томон уни дипломатик йул билан денонсация қилиши мумкин. Бундай ҳолда Шартнома денонсация кунидан бошлаб олти ой утгач амал қилишини тухтади.

Бунинг тасдиғи сифатида Ахдлашувчи Томонларнинг ваколатли вакиллари ушбу Шартномани имзоладилар ва уни муҳрадилар.

Анқара шаҳрида, 1994 йил " 23 " июнида, икки нусхада, ҳар бири турк ва узбек тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Туркия Жумҳурияти  
номидан

Ўзбекистон Республикаси  
номидан